Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 14 декабрь, № 266 (8046) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ БЎЛИШИ КЕРАК

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Олмазор туманида олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва уларга яратилаётган шароитни, камбағалликни қисқартириш, аёллар бандлигини таъминлаш, шунингдек, нотинч оилалар билан ишлаш жараёнини ўрганиш мақсадида ҳудуддаги бир қатор маҳаллаларда бўлди.

Ўрганиш жараёни хайрли иш билан бошланди — тумандаги Хотира хиёбонида COVID-19 касаллигига қарши курашиш жараёнида вафот этган тиббиёт ходимлари учун ташкил қилинаётган боққа кўчат экилди.

Ўрганиш

Шундан сўнг ишчи гуруҳ “Себзор”, “Янги Себзор”, Абубакир Шоший номидаги, “Қорасарой” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб фаоллар, “Аёллар маслаҳати” кенгаши аъзолари, “аёллар дафтари”, “темир дафтар”, “ёшлар дафтари”ги киритилган фуқаролар билан учрашди. Маҳаллаларда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳамда ижтимоий объектлар ҳолати кўздан кечирилди.

Хусусан, “Себзор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 28 ва 269-мактабгача таълим муассасаларида яратилган шарт-шароит, таълим-тарбия ҳолати ўрганилди. Маълум бўлишича, 269-мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирланган, ҳозир бу ерда 340 нафар бола тарбияланмоқда, 28-МТТ эса капитал таъмирланиш учун 2022 йилги Давлат дастурига киритилган.

Ишчи гуруҳ аъзолари ишсизликни камайтириш, касб-ҳунарга ўқитиш орқали ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш борасидаги ҳолатни ўрганиш мақсадида Янги Себзор маҳалласидаги асосан эҳтиёжманд оилалар вакиллари ҳамда “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар бепул касб-ҳунарга ўқитиладиган марказ фаолияти билан танишди.

2

«Халқ сўзи» учун махсус

ПОКИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Покистоннинг Саргодҳа университетида ушбу мамлакатда нашр этилган “Шавкат Мирзиёев — узоқни кўра биладиган давлат арбоби” (“H.E. Shavkat Mirziyoyev a visionary statesman”) номли таҳлилий мақолалар китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Китоб Исломободдаги Глобал ва стратегик тадқиқотлар маркази (ГСТМ) томонидан Ўзбекистон элчихонаси билан ҳамкорликда нашрга тайёрланган.

ГСТМ ижрочи директори Ҳолид Таймур Акром янги Ўзбекистон эришган ютуқлар, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар, Ўзбекистон раҳбарининг ички ва ташқи сиёсати, унинг минтақавий ҳамда глобал ташаббуслари, жумладан, Тошкент шаҳрида Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий ўзаро боғлиқлигига бағишланган халқаро анжуманда илгари сурилган 10 та ташаббуси самараларига бағишланган 14 та таҳлилий материалдан иборат тўплам ҳақида маълумот тақдим қилди.

Тадбир якунида Саргодҳа университети проректори, профессор Салим Мазҳарга университет кутубхонаси учун китоб нусхалари топширилди.

Маълумот ўрнида: Саргодҳа университети 2002 йилда ташкил этилган ва Покистоннинг йирик давлат университетларидан бири ҳисобланади.

«Дунё» АА.
Исломобод

Фракцияларда

МУҲИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда халқ вакиллари томонидан мамлакатимиз ва аҳоли турмуш фаровонлиги, шунингдек, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашга дахлдор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этилади

ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисидаги маълумотномани расмийлаштирганлик учун давлат божи миқдорини белгилаш, фуқаро идентификацияловчи ID-картани олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаганида, яроқсиз ҳолга келтирганда ёки йўқотиб қўйган тақдирда маъмурий жавобгарликка тортиш масаласида юзага келган ҳуқуқий бўшлиқни бартараф назарда тутилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқни қўллаш амалиётида “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш”, “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” ҳамда “идентификацияловчи ID-карта” тушунчалари билан боғлиқ бўшлиқлар бартараф этилишига олиб келишини ҳисобга олиб, уни иккинчи ўқишда маъқуллади.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

2

ФЕРМЕРЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Яхши сўз жон озиғи, дейишади. Қаранг, шунча йил фермер бўлиб, дала кезиб, трактор ҳайдаб, қишнинг не бир қаҳратони, ёзнинг жазирама гармселларида жонимизни қийнаб ишлабмиз-у, бир ширин сўз эшитмабмиз! Фақат “режа”, “пахта”, “мажбурият” каби сўзларни эшитавериб, дийдамиз қотиб кетган экан.

Дил сўзи

Президентимиз куни кеча Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида биз каби фермерларни “фидойи ва жонкуяр”, “ўз ишининг устаси”, деҳқончиликни эса “ер юзидаги энг шарафли ва машаққатли касблардан бири” деб атагани кўнглимни чароқлатиб, чеккан заҳматларим унут бўлди.

Биласиз, Муборак тумани қиши изғирин, ёзи ўта иссиқ, сув танқис, боз устига гармсел пахта ёки ғалла тугул, одамнинг силласини қуритиб юборади. Табиийки, бундай оғир шароитда ишлашнинг ўзи бўлмайди.

Асосийси, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаган ҳолда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар тизимда салмоқли натижаларга эришишда муҳим омил бўлаётир.

Президентимиз бот-бот такрорлаганидек, эндиликда фермер кўп тармоқли бўлиши лозим. Ҳозирги кунда хўжалигимизда чорва ҳам, боғ ҳам бор. Буёғини сўрасангиз, 5 гектар тарвуз, 5 гектар қовун, 5 гектар пиёз, 5 гектар сабзи экиб, ички бозор тўкинлигига ҳам ҳисса қўшиб келяпмиз. 350 бош қўй, 50 бош қорамол, пилла учун озуқа — тут плантациялари, биолаборатория ҳам мавжуд.

Мавриди келганда айтаман: баъзилар аёл бошингиз билан сизга шунча ташвиш нимага керак, деб қолади. Уларга қарата айтар гапим ҳамиша тайёр: агар эл юкига елка тута олмасанг, юрт тараққиётига озгина бўлса-да, ҳисса қўша олмасанг, дунёга келдинг нима-ю, келмадинг нима?!

Халқимизда “ҳаракатда барокат” деган нақл бор. Шундай экан, бундан буён ҳам экинлардан мўл ҳосил етиштириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида бор куч, маҳорат, билим ва тажрибамни ишга солиб меҳнат қиламан.

Нодира БЕРДИЕВА,
Муборак туманидаги «Хусаинов Нормурод Тўрамуродович» фермер хўжалиги раиси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ДУНЁ ТАН ОЛГАН WFME АККРЕДИТАЦИЯСИДАН ЎТДИ

Тошкент давлат стоматология институтида IV Халқаро стоматологлар конгресси ва Ўзбекистон стоматологларининг VIII қурултойи бўлиб ўтди.

Хушхабар

Халқаро конгресснинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Беҳзод Мусаев, олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов кириш сўзи билан иштирок этди.

3

Замонавий конституционализм:

МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

2021 йил 14 декабрь куни “Замонавий конституционализм: миллий ва хорижий тажриба” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Барқарор ривожланиш маркази ҳамда Давлат ва ҳуқуқ институти ҳамкорлигида Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси кўмагида ташкил этилди.

Конституциявий ислоҳотлар — давр талаби

Маълумки, жорий йил октябрь ойида бўлиб ўтган ***Ўзбекистон Президенти сайловида барча номзодларнинг сайловолди учрашувларида электорат вакиллари томонидан мамлакатимизда конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш таклифи илгари сурилган эди***. Шу муносабат билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллий ва жаҳон конституциявий тажрибасини чуқур ва пухта ўрганиш лозимлигини таъкидлаганди: ***“Агар дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислоҳотлар амалга оширилганини кўрамиз. Шу сабабли, аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий Қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз керак”.***

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Конституциямиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди. Бир пайтнинг ўзида у яшаётган давримиз, халқимиз ва ҳаётнинг ўзи, ислоҳотлар талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилади. Зеро, ҳар қандай демократик ислоҳотлар мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий асосга эга бўлсагина бардавом ва самарали бўлади.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида Конституциямизнинг 21 та моддасига 9 маротаба, 32 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов давридаги электорат таклифларини умумлаштириб, Президентимиз мамлакатимиз Конституциясининг 29 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригида Асосий Қонунимизни янада ***такомиллаштиришнинг 9 та*** йўналишини белгилаб берди.

Бўлажак халқаро Форумда иштирокчилар ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашадилар.

3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси 2021 йил 15 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа шаклида 15-16 декабрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис “O‘zbekiston” ва “UzReport” телеканаллари ҳамда Сенатнинг “YouTube”даги расмий саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритилади.

Муносабат

ЯНГИ ТАРТИБ АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан янги уй-жойлар қурилиб, ипотека кредити асосида уйга муҳтож оилаларга берилаётгани кўплаб хонадонларга қувонч олиб кирмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 декабрдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони оилалардаги фаровонликни ошириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Фармонга мувофиқ, 2021 йил 10 декабрдан бошлаб бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш тартиби доирасида даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга Давлат бюджетидан субсидиялар тўлашда квартира майдонининг энг кўп меъёрини белгилаш амалиёти бекор қилинади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ҳар йили бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия миқдори тасдиқланади. Субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олган шахслар ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг уй-жой қийматининг камида 5 фоизига тенг бўлган қисмини ўз маблағлари ҳисобидан шакллантиради.

Аҳамиятлиси, сотиб олинадиган квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан қатъи назар, дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдорида, фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — биринчи беш йил давомида 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига тўланади.

2

ЭНДОКРИН КАСАЛЛИКЛАРИ ОРТГАНИ БАРЧАМИЗНИ ТАШВИШЛАНТИРИШИ ЗАРУР

Касалликни даволашдан кўра олдини олган афзал. Гарчи бу ҳақиқат азалдан бизга маълум бўлса-да, баъзан унга амал қилишни унутамиз. Касаллик исканжага олгандагина шифокорга мурожаат этамиз. Айниқса, мамлакатимизда кейинги беш йилликда эндокрин, яъни йод етишмаслик касаллиги 20 фоизга кўпайгани ҳар биримизни ташвишлантириши лозим. Тўғри, биз табиий равишда йод етишмайдиган ҳудудда яшаймиз. Бу эндокрин касалликларининг олдини олиш мумкин эмас, дегани эмас.

Бинобарин, эндокринология инсон ҳаёти сифатини таъминлашда энг муҳим соҳа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 10 декабрь куни эндокринология хизматини такомиллаштириш ва қамровини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг 14 та филиали модий-техника базаси мустаҳкамланганини, бу филиалларда махсус бўлимлар ташкил этилгани боис республика марказига мурожаатлар 2 баробар камайганини, ҳар йили 80 минг нафар бемор инсулин билан бепул таъминланаётганини айтиб, лекин шундай бўлса-да, сўнгги беш йилда эндокрин касалликлари 20 фоиз ортиб, ёшлар орасида ҳам кўпайганини ҳам таъкидлаб ўтди.

Хўш, эндокрин касалликлари ортиб бораётган экан, бунга қарши қандай зарур чора-тадбирлар белгилаш лозим?

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 14 декабрь

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ БЎЛИШИ КЕРАК

1 Сенат Раиси ушбу марказда пазандачилик, тикувчилик ва косметология сирларини ўзлаштираётган хотин-қизлар, ёшлар билан учрашди. Суҳбат чоғида ўқиш, изланиш ва касб-ҳунар ўрганиш истагида бўлган ҳар бир хотин-қиз давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, зарурий шарт-шароитлар яратиб берилиши қатъий назоратда эканлиги айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, ишчи гуруҳ “Аёллар маслаҳати” кенгаши аъзолари, аҳоли вакиллари билан учрашди ҳамда уларнинг ташаббус, таклиф ва мулоҳазалари ўрганилди. Якунда маҳаллада ташкил этилган кутубхонада турли соҳа ва жанрлардаги китоблар бўлиши, оилалар тинчлигини таъминлаш мақсадида психолог мутахассислар жалб этилиши, аёлларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши, тадбиркор хотин-қизлар қўллаб-қувватланиши сингари масалалар туман ҳокимлиги томонидан доимий назоратга олиниши зарурлиги таъкидланди.

Қорасарой маҳалласида “аёллар дафтари”, “темир дафтар” ва “ёшлар дафтари”ги киритилган фуқаролар иштирокида бўлиб ўтган суҳбатда аҳолига кўрсатилаётган ёрдам ва оилавий ажримлар ҳолати сингари долзарб масалалар кенг муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, ўрганиш жараёнида ишчи гуруҳ томонидан ёши улуғ инсонлар, боқувчисини йўқотган ва ижтимоий шароити оғир оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларни қийнаётган муаммолар аниқланди. Фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларга қонуний ечим топилиши айтилди, уларга турли совға ва озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди.

Абубакир Шоший маҳалласида истиқомат қилувчи Маъсуда Обидова ана шундай инсонлардан бири. У икки нафар имконияти чекланган фарзанд тарбияламоқда. Эндиликда унинг фарзандлари ахборот технологиялари борасидаги билимларни уй шароитида ўрганади. Мазкур оиланинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида аёлга замонавий тикув машинаси берилди.

Сенат Раиси маҳаллалар билан танишув жараёнида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиздаги фуқаролар йиғинларига аҳоли сонидан келиб чиқиб зарур маблағ ажратилаётгани, айни чоғда аҳолининг кам таъминланган қатлами рағбатлантирилаётгани ва ҳудуд билан боғлиқ муаммолар тизимли равишда ҳал қилинаётганини алоҳида таъкидлади.

Масалан, Қорасарой маҳалласида шу йил давомида 3 миллиард сўмликдан зиёд маблағ эвазига 12 минг 800 квадрат метр ички йўлга асфальт, 5 минг 280 квадрат метр бетон қопламаси ётқизилган. Айни чоғда бу ерда 4 тадан болалар ва спорт майдончалари барпо этилган. Маҳалла ҳудудида 4 та айвонча, 30 та ўриндиқ ўрнатилиб, 400 квадрат метр майдонда ободонлаштириш юмушлари бажарилган.

Абубакир Шоший номидаги маҳаллада аҳолининг табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида 5,2 миллион сўм маблағ ҳисобига 7 та ГТП техник кўрикдан ўтказилган, 800 метр газ қувурлари таъмирланиб, совуқ сув тизимини яхшилаш ишлари амалга оширилган. Шу кунларда эса маҳалла ҳудудидаги ҳовлиларни канализация тармоқларига улаш устида иш олиб бориляпти.

Себзор маҳалласида 2 миллиард 234 миллион сўм маблағ эвазига 5 минг 600 квадрат метр бетон қопламаси ётқизилган, 3 тадан болалар ва спорт майдончалари қурилган, 4 та айвонча, 15 та ўриндиқ ўрнатилган. 3 та кўп қаватли уйнинг том қисми таъмирланиб, 711 квадрат метр майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилган.

Бу каби бунёдкорлик ишлари туманнинг бошқа маҳаллаларида ҳам давом эттирилаётир.

Ўрганиш якунида Сенат Раиси маҳаллий Кенгаш депутатлари билан учрашди. Унда туман аҳолиси турмуш даражасини янада яхшилаш, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатини кучайтириш, камбағалликни қисқартириш, барча жабҳада аёллар иштирокини кенгайтириш, қонунлар устуворлигини таъминлаш ҳамда бу жараёнда маҳалла фаоллари ва депутатлар фаоллигини ошириш муҳимлигига алоҳида урғу берилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

МУҲИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

1 Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Марказий банки тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунларига ҳамда Фуқаролик кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича берилган таклиф ва тавсиялар асосида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Якунда кун тартибидаги масалалар юзасидан фракциянинг қарори қабул қилинди.

Меҳнат мигрантлари қўллаб-қувватланади

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасида Ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги асосий принциплар, соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, халқаро ҳамкорлик, давлат органларининг ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ваколатлари, фуқароларнинг ташқаридаги меҳнат фаолиятига доир ҳуқуқлари, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш ва улар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Халқ вакилларининг айтишича, соҳада кузатилган кўп йиллик муаммолар чуқур таҳлил қилиниб, ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси улуши ва географиясини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Хориждаги ватандошлар ташкилотлари, юридик ташкилотлар билан биргаликда оғир вазиятда ишсиз, бошпанасиз қолган ва ҳақ-ҳуқуқлари камситилаётган меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш энг устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Йиғилишда кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли манфаатлари инобатга олинди

“Адолат” СДП фракцияси йиғилишида дастлаб “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар туб моҳиятидан келиб чиққанлигини, халқнинг, айниқса, аёллар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда ногиронлиги бўлган фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадларига қаратилганлигини қайд этиб ўтди.

Қонун лойиҳасида болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қараган даврини иш стажига қўшиб ҳисоблаш, болани парваришлаш вақтининг ҳаммаси жамланганда кўпи билан 6 йиллик даврни иш стажига қўшиб ҳисоблаш каби ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, республика ҳудудида карантин амал қилиб турган ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган даврда пенсия олиш ҳуқуқи вужудга келган фуқаролар, ушбу тадбирлар (чекловлар) мобайнида ёки тугагандан сўнг бир ой ичида пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган тақдирда, уларга пенсияни уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлган санадан тайинлаш таклиф этилмоқда.

Йиғилишда “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимча ва ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Болани парваришлаш даврини меҳнат стажига қўшиш таклиф этилмоқда

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилиши атрофлича кўриб чиқилди.

Унга кўра “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўловларини марҳумнинг қарамоғидаги фарзандларига улар 18 ёшгача, агар умумий ўрта таълим муассасаси, академик лицей ва олий таълим муассасасида ўқиётган бўлса 23 ёшга тўлгунга қадар тўлаш, болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қараган даврини иш стажига қўшиб ҳисоблаш, болани парваришлаш вақтининг ҳаммаси жамланганда, кўпи билан 6 йиллик даврни иш стажига қўшиб ҳисоблаш каби ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, республика ҳудудида карантин амал қилиб турган ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган даврда пенсия олиш ҳуқуқи вужудга келган фуқаролар, ушбу тадбирлар (чекловлар) мобайнида ёки тугагандан сўнг бир ой ичида пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган тақдирда, уларга пенсияни уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлган санадан тайинлаш таклиф этилмоқда.

Йиғилишда “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда таклиф ва муносабатлар билдирилди ҳамда кун тартибидаги масалалар юзасидан фракциянинг қарори қабул қилинди.

Амалдаги қонунчиликка қандай ўзгартишлар киритиляпти?

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишда депутатлар томонидан кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ боқувчисини йўқотганлик пенсияси қарамоғидаги шахсларга улар 16 ёшга тўлгунга қадар, ўқувчи бўлса 18 ёшга тўлгунга қадар тўланади. Фуқаро 18 ёшга тўлганда кўпинча олийгоҳга ўқишга киради. Табиийки, у ўқиш билан банд бўлган даврда таъминотсиз қолиб кетади.

Ушбу қонун лойиҳасида ана шу жиҳатлар эътиборга олинмоқда. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўловларини марҳумнинг қарамоғидаги фарзандларига улар 18 ёшгача, агар умумий ўрта таълим муассасаси, академик лицей ва олий таълим муассасасида ўқиётган бўлса 23 ёшга тўлгунга қадар тўлаш, болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қараган даврини иш стажига қўшиб ҳисоблаш назарда тутиляпти.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига қўшимча ва ўзгартиш киритиш тўғрисида”ги, “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ҳам қизғин муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Якунда кун тартибидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Сенат ялпи мажлиси олдидан

ҲАР БИР МАСАЛА ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИ ҚЎМИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ЭТИЛМОҚДА

Хабарингиз бор, шу йилнинг 15-16 декабрь кунлари Олий Мажлис Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади. Унда кўриб чиқилиши режалаштирилган ҳар бир масала долзарблиги, яъни ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис айни кунларда ушбу масалалар парламент юқори палатаси қўмиталари томонидан чуқур таҳлил қилинмоқда.

Ижтимоий соҳа харажатларининг қарийб 45 фоизи таълимга йўналтирилади

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси йиғилишида дастлаб Давлат бюджетининг 2021 йил 9 ойи ижроси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари 116 трлн. сўмни ташкил этиб, белгиланган 107 трлн. сўм прогноз 108,4 фоизга ёки 9 трлн. сўмга ошириб бажарилган. Даромадлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 21,6 трлн. сўм кўп.

Сенаторлар бюджет маблағидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ягона ғазна ҳисобварағининг ишончли ва барқарор ишлаши ҳамда инсон омили аралашувини қисқартириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилиши лозимлигига ҳам эътибор қаратди.

Ўз навбатида, бюджет харажатлари устидан назоратни кучайтириш мақсадида вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан расмий веб-сайтларда бюджет маблағлари харажатлари, бюджет очиқлигини таъминлаш юзасидан тегишли маълумотларни жойлаштириш зарурлиги айтилди.

Шунингдек, мажлисда “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Унга кўра келгуси йил учун Давлат бюджети харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 25,6 фоиз миқдорида белгиланмоқда. Эътиборлиси, ижтимоий соҳа харажатларининг қарийб 45 фоизи таълим соҳасига, хусусан, мактабгача таълим муассасаларига 8,6 трлн., халқ таълимига 30,8 трлн., ўрта махсус ва олий таълимга 7,5 трлн. сўм маблағ ажратилмоқда.

Бундан ташқари, 2022 йилда Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига (марказлашган инвестиция харажатлари билан бирга) 24 трлн. сўм маблағ ёки 2021 йил тасдиқланган режага нисбатан 3,5 трлн. сўм ёки 17 фоиз кўп маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Тадбирда кўрилган “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245 ва 245[8]-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун билан Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга тадбиркорлар манфаатларининг бузилиши ҳолати бўйича айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини бериш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда “Тадбиркорлик кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун билан 20 август мамлакатимизда “Тадбиркорлар куни” деб белгиланаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Айдар-Арнасой кўлларидан фойдаланишда қатор муаммолар бор

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг йиғилишида Айдар-Арнасой кўллар тизимида юзага келаётган муаммоларнинг экология ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сув хўжалиги вазирининг Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати юзасидан берган ахборотига кўра бу борада муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, жорий йилда суғориш ишларига республика бўйича 37,4 млрд. метр куб сув етказиб берилиб, мавсум давомида ўртача 8 млрд. метр куб сув тежалишига эришилган.

Марказлаштирилган капитал маблағ ҳисобидан амалга оширилаётган 171 та ирригация лойиҳаси доирасида 646,2 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилган. Шунингдек, 299,1 км. каналлар, 94,2 км. лоток тармоқлари, 16,2 км. босимли қувурлар, 21 та гидротехника иншоот ва насос станцияси, 48 та суғориш қудуғи қурилган ва реконструкция қилинган. Натижада 170 минг гектардан ортиқ майдонларнинг сув таъминоти яхшиланган.

Йиғилишда амалга оширилган ишлар билан бирга, ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги ҳам айтилди. “Сардоба сув омбори тўғонининг ўпирилиши натижасида зарар кўрган ирригация ва йўл инфратузилмасини тиклаш” лойиҳаси Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилмагани сабабли лойиҳалар доирасида 2021 йилда 15 млн. доллар миқдоридаги маблағ ўзлаштирилмаган.

2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати юзасидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ахборотида тоғ ва тоғолди водий ҳамда тўқай ҳудудларида 7,6 минг гектар майдонда ёнғоқзор ва бошқа турдаги плантациялар, 2,4 минг гектар майдонда иҳота дарахтзорлари ҳамда 608 минг гектар майдонда ўрмон барпо қилинганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, Концепциянинг 1.32-бандида белгиланган экологик таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилмаганлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, “Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси” ДУК ташкил этилиб, кўллар тизими қирғоқбўйи минтақаларида балиқ етиштириш жойлари, инкубация цехлари ва балиқ ўстириш ҳавзаларини қуриш ишлари бажарилмоқда. Лекин Айдар-Арнасой кўллар тизимидан фойдаланишда қатор муаммолар ҳам бор. Хусусан, кўллар тизимининг сув ҳажми 1994 — 2000 йилларда 44,1 млрд. метр куб бўлган бўлса, “Чордара” сув омборидан 2013 — 2021 йилларда кўллар тизимига умуман сув ташланмагани боис сув ҳажми 37,7 млрд. метр кубга тушиб қолган.

Шунингдек, кўллар тизимида балиқчилик соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар етарлича ташкил этилмаган. Айни чоғда балиқ овлаш контурларини ижарага бериш, ижара ҳақини ундириш, балиқ захираларини муҳофаза этиш, овлаш қоидаларига риоя қилишни назоратга олиш, балиқ овлашда фойдаланадиган техникаларни рўйхатдан ўтказиш ва назоратини юритиш ишлари турли давлат органларига юклатилган ва уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилмаган.

Тадбирда бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Миллий лабораториялар мавжуд эмаслиги танқид қилинди

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси йиғилишида бошқа масалалар қатори, мамлакат Давлат бюджетининг 2021 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги Ҳукумат ахбороти дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Эътироф этилганидек, ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари 116 трлн. сўмни ташкил этиб, прогноз қилинганидан 8,4 фоиз ортиғи билан бажарилган. Даромад ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 21,6 трлн. сўмга ошган. Давлат бюджети умумий харажатларининг 16,6 фоизи ёки 21,7 трлн. сўми инвестиция харажатларини молиялаштиришга йўналтирилган.

Айрим вазирлик ва идоралар томонидан бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланилаётганлиги билан боғлиқ баъзи ҳолатлар сенаторлар томонидан танқид қилинди.

Сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилги Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунни ҳам атрофлича кўриб чиқди. Келгуси йилда иқтисодий ўсиш 6 фоизни, инфляция даражаси 9 фоизни, консолидацияланган бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизини ташкил этиши, давлат ташқи қарзининг юқори чегараси эса 4,5 млрд. доллар бўлиши тахмин қилинмоқда. Келгуси йил учун Давлат бюджети харажатлари 214,8 трлн. сўм ёки ялпи ички маҳсулотнинг 25,6 фоизи миқдорида белгиланди.

Йиғилишда экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг номенклатурасини диверсификациялаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақидаги масала ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Тадбирда ташқи савдо ҳажмининг изчил ўсишини таъминлаш ва экспортни рағбатлантиришга қаратилган таркибий ислоҳотлар тизимли олиб борилаётгани айтиб ўтилди. Масалан, валюта сиёсати либераллаштирилди, қатор маъмурий ва бюрократик тўсиқлар олиб ташланди, экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари нархини белгилаш ва тўлашнинг бозор механизми ўрнатилди, экспорт қилувчилар учун солиқ имтиёзлари ва преференциялар жорий этилди.

Шундай чора-тадбирларга қарамай, экспорт диверсификация қилиниши етарли даражада эмаслиги, унинг товар турларига боғлиқлиги сақланиб қолаётгани қўмита аъзолари томонидан кўрсатиб ўтилди. Айни чоғда савдо уйларини очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омборхоналарни ижарага бериш, хорижда ўзбек товарларини тарғиб қилиш бўйича реклама кампанияларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш механизмларини амалга оширишда ҳам муайян камчиликлар мавжуд.

Йиғилишда мамлакатимизда халқаро аккредитациядан ўтган, маҳаллий қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш ва сертификатлаш имкониятига эга миллий лабораториялар мавжуд эмаслиги ҳам танқид қилинди.

Йиғилишларда муҳокамалар қилинган масалалар юзасидан парламент юқори палатаси қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ТАРТИБ АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

1 Бунда дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда ҳам тўланиши айни муддао бўлди.

Мазкур ҳужжат билан 2022 йилда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун ипотека кредитлари, келгуси йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари, 2022 йил учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун қатъий белгиланган субсидия миқдори тасдиқланди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ушбу Фармон билан тегишли ҳудуд учун белгиланган ипотека кредитлари ва субсидиялар сонини оширишга рухсат берилди.

Яна бир муҳим янгилик — кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича ўтказилган электрон онлайн-аукцион ғолибларига лот қийматининг 30 фоизини аукцион якунланган кундан бошлаб беш иш кунидан кечиктирмай, қолган қисмини 12 ой давомида тенг миқдорда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб пудрат ташкилотларига давлат рўйхатидан ўтказилган қурилиши тугалланмаган, том ёпиш ишлари бажарилган кўп квартирали уй-жойларни кредит таъминоти сифатида гаровга тақдим қилишга рухсат этиляпти.

Аслида ҳам, ҳар бир инсон ўз уйига эга бўлса кўнглида хотиржамлик, ишида унум ва барака бўлади. Фармонда белгилаб берилган аниқ вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли амалга оширилиши минг-минглаб юртдошларимиз, айниқса, ёшларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада оширишга шубҳасиз. Бу бир умр ўз бошпанаси бўлишни орзу қилган инсонлар учун катта имкониятдир.

Ботирбек ТЎРАЗОДА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЭНДОКРИН КАСАЛЛИКЛАРИ ОРТГАНИ БАРЧАМИЗНИ ТАШВИШЛАНТИРИШИ ЗАРУР

1 Бу ҳақда видеоселекторда давлатимиз раҳбари фикр юритар экан, соҳада янги тизим жорий қилиш зарурлигини айтди. Эндокрин касалликларини барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича алоҳида дастур қабул қилинишини қайд этди. Унга кўра энг аввало, оилавий ва эндокрин шифокорлар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилади. Бунинг учун жойларда ташкил этилган тиббиёт бригадалари, ҳамшира кўриги хоналари ва саломатлик мактаблари роли кучайтирилади.

Шунингдек, эндокрин касалликларни эрта аниқлаш мақсадида келгуси йилдан 40 ёшдан ошган барча аҳоли йилига камида бир марта манзилли скринингдан ўтказилади. Эндокрин касаллик аниқланган аҳолининг ягона электрон реестри ишга туширилади. Ҳар бир тиббиёт бригадаси экспресс-тестлар ўтказиш учун глюкометр билан таъминланади. Келгуси йил 1 июлдан ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар, 3 — 15 ёшдаги болаларга бепул йод препарати берилади. Қандли диабет учун метформин дорилари 200 мингдан зиёд эҳтиёжманд аҳолига бепул тарқатилади. Маҳалладаги беморлар ва диабетга мойиллиги бор аҳолига касалликни бошқариш ўргатилади.

Давлатимиз раҳбарининг айнан эндокрин касалликларини олдини олишга катта эътибор қаратаётганининг ўзига хос сабаблари бор. Чунки йод танқислиги билан боғлиқ хасталик кўплаб бошқа касалликларни пайдо бўлишига ва эрта олди олинмаса, даволаш мушкул бўлган бедаво дард кўпайишига олиб келади.

Шундай экан, эндокрин касалликларини эрта олдини олиш учун нафақат шифокорлар масъул, балки ҳар биримиз, қайси касбда ишлашимиздан қатъи назар, бу борада астойдил иш олиб боришимиз лозим. Зеро, эл саломатлиги юрт бойлигидир.

Мавлуда ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Замонавий конституционализм:

МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

1

Конституция ва Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси

Аввало, таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда **Янги Ўзбекистонни барпо этиш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган** ўзаро боғлиқ ва моҳиятан бир-бирини тақозо этувчи туб демократик сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлат ва конституциявий тизим, жамиятда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда ўта муҳим ўзгаришлар кузатилмоқда.

Шу билан бирга, глобаллашув, рақамлаштириш, иқлим ўзгариши ва жадал ўзгариб бораётган ҳаёт мамлакатимизни янада модернизация қилиш, тинчлик, барқарорлик ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш борасида янги ва янги ечимини кечиктириб бўлмайдиган, ўта долзарб вазифаларни қўймоқда.

Шу боис ҳам **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида** ўта аҳамиятли ва жиддий вазифалар белгиланган. **Мамлакатни модернизация қилишнинг етти йўналиши бўйича 50 дан ортиқ кодекслар, қонунлар, стратегиялар, концепция ва дастурларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган, 100 дан ортиқ бошқа ташаббуслар илгари сурилган**. Стратегия қонунчилик, ҳуқуқни англаш, ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқни қўллаш тизимини, жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини умуминсоний қадриятлар ҳамда барқарор ривожланиш тамойилларига йўналтиради.

Жаҳон конституциявий жараёни: XXI аср тажрибаси

Жаҳон амалиёти ислоҳотларни изчил амалга оширишда айнан жамият ва давлатни модернизация қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатмоқда.

Бугун дунёда бирор-бир Конституция илк бор қабул қилинган таҳририда сақланиб қолмаган. Биргина **XXI асрда дунёнинг 90 га яқин давлатида конституциявий ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилди, 57 тасида янги Конституция қабул қилинди.** Бу борада Конституцияга энг кўп ўзгартириш ва қўшимчалар киритган ўнта давлатлар сирасига Мексика, Янги Зеландия, Бразилия, Швейцария, Австрия, Исроил, Чили, Колумбия, Грузия ва Ҳиндистон киради.

Бунда турли мамлакатлардаги конституциявий ўзгаришлар асосан ташқи ва ички таҳдид ҳамда хатарларни инобатга олиб, уларга жавоб беришга қаратилганлиги билан ўзаро ўхшашлигини таъкидлаш жоиз. Замонавий конституциялар бундан юз йил олдин унчалик кўзга ташланмаган янгидан-янги — атроф-муҳит, гендер тенглиги, инсон, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар, келажак авлод ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалаларни қамраб олган. Уларда, шунингдек, ахборотлашган жамиятни шакллантириш, шахсий рақамли маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, илмий-технологик ва инновацион ривожланиш, тўғридан-тўғри электрон демократия ва халқ қонунчилик ташаббуси элементларини жорий этиш каби бошқа замонавий масалалар ҳам ўрин олган.

Конституциявий ислоҳот: мазмуни ва йўналишлари

Конституциявий ислоҳот бугунги ва истиқболдаги муваффақиятли ва барқарор тараққиётнинг зарурий ҳуқуқий шарти ва асосидир. Хусусан, у **“самарали ва яхши бошқарув”** тизимини жорий этишнинг муҳим воситаси сифатида ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимини мустаҳкамлаш, ҳисобдорлик, очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни оширишга ёрдам берувчи конституциявий “қоидалар”ни ўрнатади. Бошқарув сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ушбу ўзгаришлар сиёсий тизим барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётни ривожлантиришга фойда келтириб, натижада сармоя киритиш ва тараққиётни таъминлаш учун қулай ва барқарор муҳит яратади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг ҳаётга тизимли ва изчил татбиқ этилиши демократик ислоҳотларни янги сифат босқичига олиб чиқмоқда. Бу, биринчи ўринда, **“Инсон қадри учун”** деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқаришни назарда тутади. Қайд этиш лозимки, **“инсон қадри”** — фуқароларнинг тинч ва хавфсиз ҳаётини, асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, босқичма-босқич муносиб турмуш шароитини таъминлаш ва замонавий инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя ва соғлом экологик муҳитни яратиш демакдир.

Бунга, энг аввало, **“Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат”** ғояси ва **“инсон — жамият — давлат”** тамойилини ҳаётга фаол татбиқ этиш, Президент, парламент ва ҳукумат ўртасида ваколатларни аниқ тақсимлаш, ҳокимиятлар бўлиниши тизимида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни мустаҳкамлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, замонавий халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиш орқали эришилади.

Фуқаролик жамияти институтлари, парламентаризм, кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва ривожлантириш ҳақиқий демократия тимсоли ҳисобланади. Тараққиёт стратегиясида жойлардаги муаммоларни ҳал этишда маҳаллий бошқарув ҳокимияти органларининг роли ва масъулиятини янада ошириш, давлат функцияларининг аксарият қисмини марказдан ҳудудларга ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, ҳудудларни ривожлантиришда маҳаллий Кенгашларнинг ролини ошириш, фуқаролик институтларининг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратишга эътибор қаратилади. Биргина **2021 йилнинг ўзида маҳаллий Кенгашлар томонидан фуқароларнинг 29 мингдан ортиқ муаммолари ижобий ҳал этилганлигини инобатга оладиган бўлсак**, улар фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш **“Халқпарвар давлат”** ғоясини янада кенг ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Ўзини ўзи бошқариш институти ҳар қандай конституциявий тузум ва фуқаролик жамиятининг асосий устунларидан бири бўлса, оила жамиятнинг энг муҳим бўғинидир. Шу маънода, ушбу институтларнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш инсон, жамият ва давлат, маънавий-ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, фуқаролар фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий давлатнинг Конституциявий концепцияси

Тараққиёт стратегиясида **“Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” принципини ҳаётга татбиқ этиш бўйича конституциявий нормани мустаҳкамлаш** масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бунда **жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, “ижтимоий давлат” тушунчаси фақатгина “ижтимоий таъминот” билан чекланиб қолмайди,** балки ижтимоий фарқлар (мулкий тенгсизлик, жамоавий, умумий неъматлардан фойдаланиш — таълим, соғлиқни сақлаш) ва низоларни (меҳнат ва капитал ўртасидаги ва бошқалар) минималлаштиришни ўз ичига олган кенгроқ талқинни талаб қилади.

Давлат — ижтимоий муносабатларнинг субъекти бўлган инсон муаммосини ҳал этиш масалалари устувор вазифага айланган, ижтимоий муаммолар ечимини топишда жамиятнинг барча сиёсий ва иқтисодий тизими иштирок этиши учун зарур шароитлар яратилган, шахснинг ижтимоий эҳтиёжларини ҳимоя қилиш учун норматив-ҳуқуқий база яратилган ва амалда фаолият кўрсатган тақдирдагина ижтимоий давлатга айланади. Шубҳасиз, давлат ўз фуқароларига ғамхўрлик қилиши шарт. Зеро, ижтимоий давлатнинг мазмун-моҳияти ҳам айнан шундан иборат.

Кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш ижтимоий муносабатлар тизимини тартибга солувчи ҳокимият институти бўлмиш давлатнинг табиатига хосдир. Бу моҳиятан давлатнинг ўз фуқароларига ижтимоий ғамхўрлигини назарда тутади. Бу вазифа масъулият ва мажбуриятга айланса, давлат ижтимоийлашади.

Ижтимоий давлат — бу бозор иқтисодиёти, турли пандемия ва эпидемиялар шароитида ўз фуқароларига маълум бир минимал фаровонликни кафолатлайдиган давлат. Бу — жамият тузилмасини ташкил этишнинг муайян бир шакли бўлиб, унда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар юқори даражада ривожланган бўлиб, унинг мақсади инсоннинг шахс сифатида имкониятларини тўла рўёбга чиқариш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш. Яъни **давлат ўз фуқароларига, жумладан, пандемия шароитида ҳам ижтимоий кафолатлар тақдим этиши учун жавобгарлигини англатади.**

Халқаро сиёсий ва ҳуқуқий қарашларда ижтимоий давлат ғояси ўз ифодасини икки асосий тушунчада акс этади — **“умумфаровонлик ва хуррамликни таъминловчи давлат”** (Буюк Британия) ва **“ижтимоий ҳуқуқий давлат”** (1949 йилда Германиянинг Асосий қонунида мустаҳкамланган). Кейинчалик ушбу ғоя 1958 йилда Франция Конституциясининг 1-моддасида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унда “Франция ажралмас, дунёвий, демократик ва ижтимоий Республикадир...”, деб таъкидланган. **Ҳозирда “Ижтимоий давлат” атамаси Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкаси давлатларининг кўплаб конституцияларида мавжуд.** Бироқ, уларнинг аксариятида фақат “ижтимоий давлат” атамаси мавжуд бўлиб, унинг мазмун-мақсадлари тўлиқ ёритилмаган.

Асосий қонунларида фақат “ижтимоий давлат” ибораси мавжуд бўлган кўплаб мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Россия Конституциясида унинг мазмуни қуйидагича белгиланган: **“Россия Федерацияси — сиёсатининг мақсади инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий давлатдир”**. Бир томондан, бундай таъриф сиёсий мақсад сифатида берилган бўлса, иккинчи томондан, унда ижтимоий давлатнинг устувор асослари: **инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланиши** кўрсатиб ўтилган.

Конституция ва хусусий мулкчилик

Хорижий мамлакатларнинг конституциявий ислоҳотларида **“бирдамлик” тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этиш, ҳуқуқий, ижтимоий давлат қуриш, адолатли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, инсон капиталини ривожлантириш орқали жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда**.

Таъкидлаш жоизки, **адолатли фуқаролик жамияти** — бу эркин шахслар жамияти бўлиб, бунда кучли ўрта мулкдорлар синфи мавжуд ҳамда инсоннинг ҳар томонлама камол топиши, фуқароларни эркин, жамиятнинг маданий, ижтимоий фаол ва қонун олдида масъулиятли аъзолари этиб тарбиялаш учун зарур моддий ва бошқа шарт-шароитлар яратилган. Шу маънода, **конституциявий ислоҳотларда қуйидаги устувор масалаларга эътибор қаратилмоқда**:

биринчидан, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва инсоннинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим ва зарур шарти сифатида **хусусий мулкнинг (жумладан, ер ва фойдали қазилмаларга нисбатан) дахлсизлиги ва ҳимояси тамойилларини амалга ошириш**. Хусусий мулк дахлсизлиги устуворлигидан келиб чиқиб, давлат идоралари ахборотига ишониб мулкка эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини бузишга йўл қўймайдиган конституциявий-ҳуқуқий базани яратишга алоҳида эътибор қаратилади;

иккинчидан, суд фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тиклаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш тарафдори бўладиган, ижро ҳокимияти органларини қонун доирасида ҳаракат қилишга мажбур қиладиган, жамият тараққиётига, биринчи навбатда, унинг иқтисодий равнақига хизмат қиладиган тизимни яратиш. Бундай тизим инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. **Биргина 2021 йилнинг ўзида Ўзбекистонда 6,5 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди;**

учинчидан, аксарият давлатлар конституцияларида хусусий мулк ҳуқуқи инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этилган. Хусусий мулк ҳуқуқининг Конституция даражасида мустаҳкамланиши шу билан изоҳланадики, у нафақат шахс ва унинг оиласи ҳаётининг моддий фаровонлиги ва барқарорлиги манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга, балки фуқаронинг бошқа кўплаб конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини: қадр-қиммати (муносиб турмуш даражаси), эркин тадбиркорлик фаолияти, уй-жой, соғлиқни сақлаш, таълим, маданиятни ривожлантириш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини амалга оширишга ҳам хизмат қилади. Бунда хусусий мулк ҳуқуқининг алоҳида аҳамиятини инобатга олиб, замонавий конституцияларда ушбу ҳуқуқнинг ўзини белгилаш билан бир қаторда, кўпинча, хусусий мулк ҳуқуқининг механизмлари, яъни объектлари, субъектлари, ҳуқуқни амалга ошириш чегаралари ва имкониятлари, унинг чекловлари, кафолатлари ва ҳимоя қилиш усуллари ҳам кўрсатилади;

тўртинчидан, турли мамлакатлар конституцияларида нафақат хусусий мулкнинг субъектив ҳуқуқи, балки объектив ҳуқуқ институти сифатидаги хусусий мулкнинг энг муҳим белгилари, энг аввало, унинг бошқа мулк шакллари билан муносабатлари, хусусий мулкнинг ижтимоий хусусияти белгилаб қўйилган. Хусусий мулкнинг конституциявий институционализацияси унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фавқулодда омил эканлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Хусусан, у конституциявий қадриятлар бўлмиш бир томондан ҳуқуқий ва демократик давлат, бошқа томондан эса ижтимоий давлат тушунчалари орасидаги муносибликни ўрнатишда улкан аҳамиятга эга.

Хусусий мулк ҳуқуқини ривожлантириш ва уни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим замонавий тенденциялари қуйидагилардан иборат:

● хусусий мулкнинг ижтимоий функциясини кучайтириш;

● хусусий мулкнинг конституциявий ва ҳуқуқий кафолатларининг заифлашуви;

● якка тартибдаги хусусий мулкнинг заифлашуви ҳамда жамият ва давлат ҳокимиятига катта таъсир кўрсатувчи корпоратив хусусий мулкнинг ўсиши;

● конституциявий хусусий мулк ҳуқуқи объектлари доирасини кенгайтириш, жумладан, ахборотни хусусий мулк ҳуқуқи объекти сифатида конституциявий даражада мустаҳкамлаш;

● хусусий мулкни конституциявий ва ҳуқуқий тартибга солишнинг интеграцияси ва дифференциациясининг уйғунлигини таъминлаш.

Тарихда хусусий мулк кафолатларини белгилаб берган конституциявий аҳамиятга эга бўлган биринчи ҳужжат Францияниг 1789 йилдаги Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари декларацияси бўлиб, унда хусусий мулк инсоннинг табиий ва ажралмас, муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқи сифатида кўрсатилган. Декларациядаги мулк масалалари “инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари” бўлимида акс эттирилган ва унинг 2-бандида шундай дейилган: “Ҳар қандай сиёсий бирлашманинг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлашдир. Бу ҳуқуқлар эркинлик, мулк, хавфсизлик ва зулмга қаршилик кўрсатишни ўз ичига олади”.

Хусусий мулк, унга бўлган ҳуқуқ эркинлик ва хавфсизлик билан бир қаторда энг олий қадрият сифатида эътироф этилади ҳамда улар инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бундан ташқари, Декларациянинг 17-моддасида: **“Мулк дахлсиз ва муқаддас ҳуқуқ бўлганлиги сабабли, ҳеч ким ундан қонунда белгиланган ижтимоий заруратдан, адолатли ва олдиндан товон ундирилиши шарт бўлган ҳоллардан ташқари, маҳрум этилиши мумкин эмас”**.

Ушбу Декларация 1946 ва 1958 йиллардаги Франция конституцияларининг Преамбуласига киритилган. Бироқ, Франция хусусий мулк ўзига хос икки томонлама маънога эга, чунки бир томондан у конституциявий тушунча бўлиб, мулкнинг бошқа шакллари каби дахлсиздир, бошқа томондан эса жамият мулки хусусий мулкдан устун қўйилади.

Францияниг ҳуқуқий ҳужжатларида ижтимоий давлат ғоясига қарши ўлароқ хусусий мулк дахлсизлигига нисбатан бир оз ноаниқ муносабат мавжуд. Конституцияда **“Франция... ижтимоий республикадир. Бу барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлайди”**. Ижтимоий давлат хусусий мулк чегараларини талқин қилишдан келиб чиқиб, жамият олдида тенгликни таъминлаш мажбуриятини олади. Шу муносабат билан бу борада Франция ва бошқа хорижий тажрибаларни чуқурроқ ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Конституция ва дунёнинг экологик муаммолари

Ҳозирги вақтда кўпгина ривожланган давлатлар глобал иқлим ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ўз конституцияларига махсус экологик бўлимларни киритмоқдалар. Бунда Франция, Россия ва бошқа Европа давлатларининг **экологик хартияларини Конституциянинг таркибий қисмлари сифатида қабул қилиш** борасидаги тажрибаси қизиқарлидир.

Хусусан, конституцияларда экологик ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари мустаҳкамланган бўлиб, улар жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатлари эҳтиёжларига мос келиши керак. Бу:

биринчидан, объектив шартлилик (ҳуқуқий тамойил табиатга, тарихга ва жамиятга мос келгандагина ҳақиқий деб тан олиниши мумкин);

иккинчидан, тарихий шартлилик (давлат сиёсати ва давлат тузумининг ўзгариши билан ҳуқуқий тартибга солиш тамойиллари ўзгаради. Агар илгари ер ва табиий объектлар давлатнинг мутлақ мулкида бўлган бўлса, кейинчалик улар фуқароларнинг хусусий мулкида бўлиши мумкин, яъни табиий объектларга нисбатан мутлақ давлат монополияси принципи ўзгартирилади);

учинчидан, тизимлилик (экологик ҳуқуқнинг барча тамойилларини умумий ҳуқуқий (конституциявий) тамойилларга, умумий қисм тамойилларига ва экологик ҳуқуқнинг махсус қисми тамойилларига таснифлаш).

Конституция: ахборотлашган жамият сари

Инсоният цивилизацияси ривожланишидаги замонавий тарихий босқичнинг энг муҳим характерли хусусияти — **“рақамли” ва ахборотлашган жамиятнинг шаклланишидир**. Ахборот ва билим ривожланиш, давлат тузилмаларини янада тежамкор ва самарали тузилмаларга айлантиришнинг стратегик омилларига айланмоқда.

Шу билан бирга, кўплаб давлатлар **тўртинчи саноат инқилобига** қадам қўяётган шароитда Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини амалда таъминлаш, шунингдек, ахборотлашган жамиятни шакллантириш мақсадида давлат томонидан ахборот технологиялари ва **“рақамли конституциявий институтлар”**дан фойдаланишни қўллаб-қувватлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқиш зарур.

Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ДУНЁ ТАН ОЛГАН WFME АККРЕДИТАЦИЯСИДАН ЎТДИ

1

Конгресс доирасида илк бор Ўзбекистон олий таълим муассасалари орасида Тошкент давлат стоматология институти дунё тан олган Бутунжаҳон тиббий таълим федерацияси (WFME)нинг халқаро аккредитациясидан ўтиб, сертификатини қўлга киритди. Аккредитацион Кенгашнинг хулосасига кўра, Тошкент давлат стоматология институти бакалавриат ва магистратура йўналишлари аккредитациядан ўтди. Бу эндиликда Тошкент давлат стоматология институти битирувчиларининг дипломи жаҳон миқёсида тан олинади, дегани.

Тошкент давлат стоматология институти халқаро аккредитацияси — Ўзбекистондаги таълим дастурларининг халқаро сифат стандартларига мослигини баҳолаш жараёни бўлиб, Олий таълим сифати кафолати Европа ассоциацияси (ENQA) аъзоси ва Сифат кафолати агентликлари Европа реестрида (EQAR) мавжуд мустақил хорижий агентлик томонидан ўтказилди.

Тошкент давлат стоматология институти томонидан халқаро аккредитациянинг қўлга киритилиши, институт жамоаси учун халқаро таълим майдонида имкониятларини кенгайтиради. Хусусан, таълим дастурларининг дунё ҳамжамияти томонидан тан олиниши, хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш, таълим жараёнларининг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш, битирувчиларнинг компетентлигини оширишга хизмат қилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, бугунги кунда Тошкент давлат стоматология институти дунёдаги 20 дан кўп ривожланган мамлакатларнинг 100 дан зиёд етакчи хорижий ОТМ ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Республика олий таълим муассасалари орасида Европа Иттифоқида ўз филиалига, халқаро сифат менежменти ISO 9001:20.15 сертификатига эга, шунингдек, Финляндиянинг JAMK университети билан ҳамкорликда “Тиббиёт ва инновация” (“Medicineandinnovations”) халқаро илмий журналини ташкил этган.

«Халқ сўзи».

ОҚДАРЁДА ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ ОЧИЛДИ

Мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини татбиқ этиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларни Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъуллигига ўтказиш таклифи илгари сурилган эди.

Ғамхўрлик

Қисқа вақт ичида ушбу йўналишдаги ишлар ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий муҳитга мослаштириш ва ота-она меҳридан баҳраманд бўлиб вояга етиши учун оилавий болалар уйлари ташкил этилмоқда.

Маълумотларга кўра, шу кунга қадар Миллий гвардиянинг Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси, вилоят ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармаси кўмагида 1-Меҳрибонлик уйининг 28 нафар тарбияланувчиси ўз оиласи ва яқинлари бағрига қайтарилган, 4 нафари фарзандликка ва 27 нафари оилавий болалар уйига, ота-она қарамоғига топширилган.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятининг 4 туманида жами бешта оилавий болалар уйи очилган. Яқинда ана шундай файзли уйлар сони яна биттага кўпайди. Оқдарё туманининг Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини Боғибаланд кўчаси, 10-уйда истиқомат қилувчи Фахриддиновлар оиласи томонидан ташкил этилган оилавий болалар уйи олти нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчисини бағрига олди.

Оқдарё тумани ҳокимлиги ҳамда Миллий гвардиянинг Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси раҳбарияти ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда барча хайрли ишлар, эзгу амаллар, аввало, оилаларнинг фаровонлиги, тотувлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларнинг ёруғ келажагини таъминлаш мақсадида амалга ошириб келинмоқда. Халқимизга хос бўлган ушбу ноёб тизим бевосита миллий ва ахлоқий қадриятларимизни ўзида тўлиқ намоён этгани билан халқаро миқёсда ҳам эътироф қилинаётгани таъкидланди.

Шундан сўнг оилавий болалар уйи эгаларига Миллий гвардия ва ҳокимликнинг совғалари топширилди, болажонлар хонадонда яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ТЎҚСОНБОСТИ

эрта кўклам, “илигузилди” кезларида аҳоли дастурхонини сабзавот ва сервитамин кўкатлар билан тўлдириш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади

Тўқсонбости усулида саримсоқпиёз етиштириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини кўпайтиришнинг ўта мақбул манбаи сифатида ҳам тавсия этилади.

Навоий вилоятида 2022 йил ҳосили учун фермер хўжаликлари томонидан ноябрь-декабрь ойларида очиқ майдон ва боғ-ток қатор ораларига жами 1 минг 847 гектар майдонга ушбу усулда сабзавот экиш режалаштирилган. Экиш учун ерларни тайёрлаш, сифатли уруғликларни танлаш ва бу агротехник тадбир муддатини кечиктирмаслик бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Навоий вилояти бошқармаси ҳамда туман бўлимлари томонидан мунтазам назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

— Тўқсонбости экинлари — пиёз, саримсоқпиёз, сабзи, лавлаги, седана ва кўкатлар етиштириш учун шу кунга қадар вилоят бўйича 1 минг 58 гектар ер майдони тайёрланиб, 978 гектар майдонда экиш ишлари бажарилди, — дейди “Ўзагроинспекция” Навоий вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Зулфия Бобоева. — Экилган майдоннинг 901 гектари боғ-ток қатор орасига, 78 гектари очиқ майдонга тўғри келади. Жумладан, 1 минг 792 гектар майдонда пиёз экилиши режалаштирилган бўлса, бугунги кунга қадар 947 гектар майдонга ушбу экин тури, 27 гектарга седана, 5 гектар майдонга эса исмалоқ кўкати экилди.

Тараддуд

Хатирчи туманида фермерлар томонидан 504 гектар майдонда тўқсонбости экинлари экилиши кўзда тутиляпти. Ушбу усулдан даромад олган фермерлар йил сайин экиш ҳажмини кенгайтирмоқда.

— Тўқсонбости мўмай даромад дегани, — дейди “Алиев Абдуғани” фермер хўжалиги раҳбари А. Алиев. — Жорий йилда олма, ўрик, ёнғоқзордан иборат боғ қатор ораларига пиёз, саримсоқпиёз экдик. Кўкламдаёқ пулини олдик. Бу йил эса яна 30 сотих майдонга қулупнай экяпмиз. Бундан ташқари 1 гектар ерга уруғлик пиёз экишни мўлжаллаб турибмиз. Седана ҳам экканмиз. Бу жуда фойдали доривор ўсимлик ҳисобланади. Насиб этса, келаси баҳорда етиштирилган маҳсулотларимизни бозорга олиб чиқамиз. Харидорини топиб, экспорт ҳам қиламиз.

Таъкидлаш жоиз, тўқсонбости фермер ва деҳқонга даромад келтириши билан бирга, бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминловчи муҳим манба ҳамдир. Афсуски, бунинг аҳамиятига беписанд фермер ва деҳқонлар ҳам йўқ эмас.

— Жорий йилда туман бўйича 135 та фермер хўжалиги майдонларига тўқсонбости экинлари экилиши режалаштирилган, — дейди “Ўзагроинспекция”нинг Хатирчи тумани бўлими катта инспектори Жамолиддин Бобомуродов. — Бу борада мунтазам назоратни олиб боряпмиз. Натижада экин экишни кечиктирган, ерларни ўз вақтида тайёрламаган 22 нафар фермерга огоҳлантириш, 8 нафарига эса ёзма кўрсатма берилди.

Аслида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг ушбу усули қадимдан мавжуд. Унинг омилкорлиги шундаки, вақтида экиб, ёғин-сочинли кунларга қолдирмай ундириб олиш зарур. Шунда у тўқсон кун ўтиб, ўз самарасини беради.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ҲАРБИЙ МАРКАЗ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил топганининг 30 йиллиги арафасида реконструкция ва капитал таъмирдан чиққан “Янгиариқ” умумқўшин полигонида эндиликда ҳарбий хизматчиларнинг чўл шароитида яшовчанлигини ошириш, оғир экстремал вазиятларда яшаб қолиш сирларини ўргатишга ихтисослаштирилган янги ҳарбий марказ ўз фаолиятини бошлади.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйлаб 12 миллион гектар, 1 дақиқада эса 23 гектар ер чўланади. Айни вақтда Ер юзининг қарийб 75 фоизи чўлланиб қолган. Бу жараён кейинги йилларда анча жадаллашган. Ана шундай иқлими ўзгарувчан, бепоён қумлик ва намлик даражаси паст бўлган ҳудудларда, биринчи навбатда, ҳарбий хизматчиларнинг яшовчанлигини ошириш, қўйилган жанговар вазифани сифатли бажарилишига эришиш мақсадида “Янгиариқ” умумқўшин полигони негизида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлинмаларини чўл шароитида тайёрлаш маркази яратилиб, ўқув жараёни йўлга қўйилди.

Унинг очилиш маросимида Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, полковник Фарҳоджон Шерматов, Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғининг ўринбосари, полковник Иқбол Абдураҳмонов, нуронийлар, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Таъкидландики, сўнгги беш йилда Қуролли Кучларимизни ҳар томонлама ислоҳ этиш, миллий армиямизни замонавий турдаги қуроллар, аслаҳалар, ҳарбий ҳамда жанговар техникалар билан бутлашда катта натижаларга эришилди. Ҳарбий хизматчиларнинг таълим-тарбия жараёнларига қўшимча қулайликлар яратиш, ҳарбий қисмлар, ўқув машғулоти майдонлари ва жанговар тайёргарлик объектлари замонавий кўринишга келтирилди. Бугунги кунда ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи давлатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслиги сўзда эмас, балки амалда исботланмоқда. Шу маънода, “Янгиариқ” умумқўшин полигони халқаро миқёсдаги ўқувлар, мусобақа ва танловларни ўтказиш имконини берадиган нуфузли полигонлар қаторидан жой олади.

Хоразм вилоятидаги куч тузилмаларининг жанговар тайёргарликдан амалий машғулот жараёнларини ўтказиш учун 4 минг гектар ер майдонига эга Шимоли-Ғарбий ҳарбий округининг “Янгиариқ” умумқўшин полигонида барча қулайлик яратилди. Бўлинмаларни чўл шароитида тайёрлаш маркази фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун полигон ҳудудидаги ҳарбий топография, разведка, отиш ва тиббий тайёргарликлар, шунингдек, яшовчанликни ошириш хоналаридан иборат ўқув биноси, кўргазмали экспонатлари бор ҳамда амалий машғулотларни олиб боришга мўлжалланган иккита яшовчанлик шаҳарчаси, 150 ўринли ётоқхона ҳамда марказ шахсий таркибининг хизмат хоналари ажратилди. Шунингдек, полигондаги бошқа ижтимоий ва жанговар тайёргарлик объектлари марказда таҳсил оладиган ҳарбий хизматчиларга хизмат кўрсатиши белгиланди.

Таҳсил муддати 14 кунни ўз ичига олган ушбу таълим даргоҳида бир вақтнинг ўзида 50 нафарга яқин контракт бўйича ҳарбий хизматчилар тоифасидаги оддий аскар ва сержантлар таҳсил олади, ўқув жараёнини 10 фоиз назарий, 90 фоиз амалий машғулотлар ташкил этади. Таълим жараёни декабрдан февраль ойига қадар қишки ва май ойидан сентябрь ойига қадар ёзги мавсумлардан иборат.

Марказда ўқув жараёнини ташкил этиш учун яратилган шароитлар, ўқув жойларининг жиҳозланиши, курс тингловчиларининг яшаши ва таҳсил олиши учун мавжуд қулайликлар меҳмонларда чуқур таассурот қолдирди. Курснинг илк тингловчилари томонидан чўл шароитида олов ва сув топиш, ов қилишга мўлжалланган қўл остидаги предметлардан ясалган қуроллар ҳамда қопқонларнинг ишлаши, чўл шароитида бўлинмаларнинг ниқобланиши ҳамда шахсий таркиб жойлашиши учун шароитларни яратиш, шартли ярадорларга тиббий хизмат кўрсатиш ва қўлбола тиббиёт буюмларини ясаш бўйича амалий машқлар намойиш этилди.

Мудофаа вазирлиги бўлинмаларини чўл шароитида тайёрлаш марказини янада такомиллаштириш, таълим жараёнларига маҳаллий ва хорижий тажрибани кенг татбиқ этиш, келгусида ушбу курсларда олий ҳарбий таълим муассаса курсантларининг ҳам таҳсил олишини ташкил этиш бўйича таклифлар маъқулланди.

Темур НАРЗИЕВ,
Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати бошлиғи.

Китоб жавонингизга

Ҳар бир асар — ижодкорнинг келажакка йўллаган хайрли саломидир. Бу салом асрлар оша одамларга эзгу инсоний фазилатлар, меҳр-муҳаббат, яхшилик каби тушунчаларни эслатиб туради.

2021 йилда “Adabiyot” нашриёти томонидан чоп қилинган қуйидаги китоблар ҳам қалбингизга маънавий озуқа, руҳингизга хотиржамлик бағишлашига шубҳа йўқ.

«БАҲОРНИ ҚАРШИЛАБ»

Оддий хонадон фарзанди бўлган Саида Зуннунова ёшликнинг ҳузурбахш онларини, чўлларни ўзлаштириш, қурилиш зарбдорлари меҳнатини куйлади, аёл бахтини улуғлаб, самимиятга йўғрилган шеърлари билан адабиётга кириб келди.

Катта адабиётимизнинг жўшқин оқимларига унинг инсон қадрини куйлаган дилбар овози пайваста бўлди.

Саида Зуннунова шеърларининг тили содда ва ширали бўлиб, лирик қаҳрамон образида меҳнаткаш инсоннинг орзу-умидлари, кураши, шодлиги, қайғуси, ғалабаси балқиб туради. Шоиранинг муҳаббат ҳақидаги шеърлари ўзининг самимийлиги, бадиий теранлиги билан ўқувчи эътиборини ўзига тортади.

Шоира Саида Зуннунованинг “Баҳорни қаршилаб” шеърий китоби кутубхонангиздан муносиб жой эгаллайди, деган умиддамиз.

«СЕНИНГ ИСМИНГ»



Темирпўлат Тиллаевни бугунги китобхон балки яхши танимас, ёзганларини ҳам кўпчилик ўқимагандир, эҳтимол... Бироқ пойтахтдан узокда яшаш, ижод қилиш ижодкорнинг савиясини белгиламайди.

Дарҳақиқат, муаллиф ҳақида соатлаб сўзлаш, ёзганларини таҳлил қилиш, мақтов-алқовни аямай ёғдириш мумкин.

Аммо мухтасар гап шу: Темирпўлат Тиллаев — вақтнинг кучи етмаган адибдир.

Шеър — инсон қалбида ҳали ўзига ҳам номаълум бўлган туйғуларнинг ижодкор томонидан қайта номланишидир. Зеро, ҳар қандай яхши шеър кўнгиллар мулкига айланади.

Темирпўлат Тиллаевнинг турли йилларда ёзилган шеърларидан тузилган ушбу тўплам ўз самимияти билан сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

«БОТИНДАГИ БЎРОН»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, адабиётшунос олим, ёзувчи Олим Тошбоев Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев ҳаёти ва ижодига бағишланган “Адабий замондош” китоби ҳамда “Ултонтоз” романи билан адабиёт ихлосмандларининг эътиборига тушган эди.

“Ботиндаги бўрон” номли адабий-илмий мақолалар ва публицистик китоби эса адибнинг китобхонлар учун навбатдаги туҳфасидир.

Мазкур тўпламдан ижодкорнинг сўнгги йилларда республика матбуотида эълон қилинган адабий-илмий, ижтимоий мавзулардаги мақолалари ўрин олган.

«СИЗНИ ДЕДИМ...»

“Шоирлик — сўз экиб, умид ўстирмоқ, Озодлик тилида дарс бермоқ”.

Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқованинг ана шундай дардли сатрлари азиз китобхонлар, шеърият ихлосмандлари қалбида минг йиллик чинорлар қаддига етгулик умид ўстиради.

Зеро, атрофдаги қадрдон юртдошларининг дарду изтиробларини ўқиб, шоир юрагидаги буюк муҳаббат, жасорат, матонат ва қаноат, чидам-бардош билан юзма-юз келасиз.

«Халқ сўзи».

МИНГБУЛОҚДА ТАДБИРКОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

БУНДА “МИКРОКРЕДИТБАНК”НИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР.

2021 йил давомида “Микрокредитбанк” томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, муаммоларини ҳал этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайди, давлат дастурлари асосида кредит ажратиш тизими такомиллашди ҳамда интерактив банк хизматлари изчил тарзда ривожланди.

Имконият

Мазкур ислоҳотлар ва янгиланишлар самараси Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида ҳам кўзга яққол ташланади.

Аввало, туман миқёсида маҳаллабай ишлаш тизими йўлга қўйилиши натижасида тумандаги 40 та маҳаллага жами 91 нафар аъзодан иборат ишчи гуруҳлари жалб этилган ва туман штаби ташкил қилинган. Доимий вакиллар томонидан хонадонлар хатловдан ўтказилиб, 22,9 мингта хонадон тўлиқ ўрганилди ва муаммолар ҳал этилди.

Шунингдек, 739 нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланди.

— Анчадан бери иш излаб юрган эдим, — дейди Бешсерка маҳалласидаги 24-мактабгача таълим ташкилотига ёрдамчи тарбиячи лавозимига ишга жойлашган фуқаро Одина Раҳмонова. — Жонкуяр ходимларнинг саъй-ҳаракатлари билан кўнглимдагидек ишли бўлдим.

Тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилган сўров натижаларига кўра, уларда 223 та муаммо мавжудлиги аниқланиб, бугунги кунда ер ва бино ажратилиши, коммуникация таъминоти ҳамда тармоққа уланиш, кредит ажратиш бўйича 208 та масала ечими топилган. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва кенгайтириш истагидаги 2 минг 147 та субъектга жами 45,2 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилган ва 2 минг 250 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Шу билан бирга, жами уч гектар бўш ер аниқланиб, 2,6 гектар майдон аукцион савдоларига чиқарилди ҳамда 0,63 гектар ерда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, 260 та оилага 3392 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Алоҳида ўтказилган сўровномаларга асосан кредит олиш истагидаги 28 нафар фуқарога паррандачилик ва тикувчилик йўналишлари бўйича имтиёзли кредитлар ажратилди.

“Лидер тадбиркор” йўналиши бўйича “Art Soft Tex Cluster” директори М. Бекмуродовга дастур доирасида 1 миллиард сўм кредит ажратиш орқали 100 та янги иш ўринларини яратиш белгиланган.

“Дилшод Саховат” МЧЖ раҳбари Д. Йигиталиев лойиҳасига эса 1,5 миллиард сўм кредит маблағи ажратиш орқали 100 нафар янги иш ўринларини Мингбулоқ туманидаги Ўртақишлоқ маҳалласида амалга ошириш имконияти мавжудлиги аниқланди. Бугунги кунда ушбу тадбиркорга 800 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди.

— Ўзим яшаб турган ҳовлида инкубатория ташкил этдим, — дейди Мингбулоқ туманининг “Меҳнатобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Гулчеҳра Озодбек Абдумутал” МЧЖ раҳбари Т. Бозорбоев. — Инкубаториянинг қуввати 180 минг бош жўжани ташкил этади, 10 та ишчи ўрни яратдик. Қўшимча равишда ҳовлимизда 2 та товуқхона ҳам очдик. Ҳозирги кунда жўжаларни водий вилоятларига буюртма асосида етказиб беряпмиз.

Туманда 2021 йилнинг сентябрь ойида маҳаллаларнинг “ўсиш нуқтаси”дан келиб чиқиб “Саховат ва кўмак” жамғармаси томонидан Меҳнатобод маҳалласидаги Қаҳрамонлар кўчасида истиқомат килувчи 27 та хонадоннинг ҳар бирига 25 бош хонаки товуқлар тарқатилди ҳамда шу орқали ушбу хонадонларда “аёллар дафтари”да турувчи 13 нафар ишсиз хотин-қизлар бандлиги таъминланди.

Келгусида мазкур ислоҳотлар ҳамда янгиланишларни изчил давом эттирган ҳолда паррандачилик, “лидер тадбиркор”лик бўйича, маҳаллабай янада самарали ишлар олиб бориш юзасидан аниқ режа-график ишлаб чиқилган. Зеро, биргина Мингбулоқ туманидаги иқтисодий ўсиш бутун мамлакатимиз иқтисодининг ривожланишида ҳам ўз аксини кўрсатмай қолмайди, албатта.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ФАОЛИЯТИ БИР ЙЎЛА УЧТА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ТОМОНИДАН ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

“Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз молия бозорида ўз ўрнига эга ва мижозлар эътиборини қозонган банклардан бири саналади. Муассаса фаолияти халқаро доирада ҳам эътироф этилиб, бир қатор ютуқларни қўлга киритаётгани бунинг тасдиғидир. Жумладан, банк яқинда АҚШнинг “JP Morgan Chase Bank”и томонидан 2021 йилда АҚШ долларида сифатли тижорат тўловлари (MT103) клиринги учун “2021 Elite Quality Recognition Award” мукофоти билан тақдирланди.

SANOAT QURILISH BANK

Таъкидлаш жоизки, “Ўзсаноатқурилишбанк” ва “JP Morgan Chase Bank” ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари 1993 йилдан буён давом этиб келмоқда. Ўтган давр давомида ушбу хорижий молия муассасаси “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг АҚШ долларидаги тижорат тўловларига ишлов берувчи асосий банк-корреспондент ҳисобланади.

Маълумот учун, “JP Morgan Chase” молия холдингининг бош қароргоҳи Нью-Йорк шаҳрида жойлашган бўлиб, у АҚШнинг “катта тўртлик” банклари сирасига киради.

Шу билан бирга, “Ўзсаноатқурилишбанк” Сертификатланган бухгалтерлар уюшмаси (ACCA)нинг “ACCA Approved Employer” мақомини олди. Бу — “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ фаолияти молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги мутахассисларни профессионал ривожлантиришнинг халқаро стандартларига мос, деганидир.

Сертификатланган бухгалтерлар уюшмасининг мазкур сертификати банкка профессионалликни қадрлайдиган ва ўз ходимларининг салоҳиятини ривожлантиришга биринчи даражали эътибор қаратадиган масъул иш берувчи мақомини беради.

— “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ аккредитациядан ўтган “ACCA” иш берувчи мақомини олган Марказий Осиёдаги илк ва ҳозирги кунда ягона банк ҳисобланади, — дейди банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти директори Ойбек Воҳидов. — Ҳеч кимга сир эмас, компаниялар учун энг яхши актив бу — инсон ресурсидир. Шуни инобатга олиб, биз Ўзбекистон бозоридаги энг яхши кадрларни танлаб олиб, уларни ривожлантиришга интиламиз. Шу билан бирга, мазкур сертификат банкимиз “ACCA” уюшмаси аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларга ёрдам кўрсатадиган иш берувчи эканини яна бир бор тасдиқлайди.

“ACCA” аккредитацияланган иш берувчиси мақомининг олиниши банкка маҳаллий ва хорижий бозорлардаги энг яхши мутахассисларни ишга жалб қилиш ва натижада банк бизнесини янада барқарор ривожлантиришга кенг йўл очади.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, “Ўзсаноатқурилишбанк” ходимлари бўлган “ACCA” талабалари PER (амалий тажриба) талабларидан озод қилинади, бу уларга ушбу халқаро ташкилотга аъзоликни энг қисқа вақт ичида қўлга киритиш имконини беради.

Бундан ташқари, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг “Green banking” лойиҳаси нафақат мамлакатимизда, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам муносиб эътироф этилмоқда.

Сўнгги йилларда кенг кўламли трансформация жараёнларини амалга ошираётган мазкур молия муассасаси тизимида мазкур йўналишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Натижада Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистонда илк бор банкда “Green banking” лойиҳаси амалга татбиқ этилди. Шундан келиб чиқиб, банкнинг барча ҳудудий филиалларида “яшил” лойиҳалар шакллантирилиб, уларни молиялаштириш учун қўшимча маблағлар жалб қилинмоқда.

Яқинда “Астана” халқаро молия маркази томонидан ўтказилган “Green Finance Awards — 2021” танловида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси юқори баҳоланиб, бош соврин — “Йилнинг энг яхши яшил инвестиция банки” мукофотини қўлга киритгани шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

“Green Finance Awards” мукофоти “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва бутун дунё бўйлаб табиий ресурсларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ғоясини жамоатчилик орасида оммалаштиришга қаратилган. Мукофот Марказий Осиёдаги “яшил” молиялаш соҳасидаги муҳим тадбирлардан бири ҳисобланган “Green Growth Forum” доирасида топширилади.

Бундан кўринадики, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритмоқда. Ушбу фаолият нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда халқаро тадбирлар доирасида алоҳида эътироф қилинаётгани эса нафақат “Ўзсаноатқурилишбанк”, балки Ўзбекистон банк тизимига ишонч тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

«Халқ сўзи» газетасининг 2021 йил 8 декабрь, 262-сонида чоп этилган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган қўшимча ва ўзгаришлар тўғрисида
ХАБАРНОМА (масофадан)
Ҳурматли «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорлари!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уйда жойлашган, (корпоратив веб-сайт: www.uzpsb.uz, e-mail: info@uzpsb.uz), сизга 2021 йил 30 декабрь куни (Тошкент вақти билан) соат 11.00 да масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати http://evote.uz/ орқали банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этишингиз мумкинлигини маълум қилади.
ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш регламентини (янги таҳрирда) тасдиқлаш, 2019 йил 28 июндаги «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг йиллик умумий йиғилишида 01/2019-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон саноат-қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги низомини (регламент) бекор қилиш тўғрисида.

2. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига рағбатлантириш ва компенсация тўлаб бериш тўғрисидаги низомини (янги таҳрирда) тасдиқлаш тўғрисида. 2020 йил 28 июлдаги «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг 03/2020-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига рағбатлантириш ва компенсация тўлаб бериш тўғрисидаги низоми»ни бекор қилиш тўғрисида.

3. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Кенгашидаги норезидент — мустақил аъзоларнинг ҳар бирига ва давлат органлари вакилларининг ҳар бирига корпоратив йили учун рағбатлантириш тўловларини белгилаш тўғрисида.

4. 2020 йил тақсимланмаган соф фойданинг қолдиғини «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг умумий захира фондига йўналтириш тўғрисида.

5. Банк филиалларининг балансдан ташқари ҳисоб рақамларида 5 (беш) йилдан зиёд ҳисобда турган, «умидсиз» қилиб таснифланган кредитлар бўйича қарздорликни ҳисобдан чиқариш тўғрисида.

- Акциядорларга навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси — 2021 йил 7 декабрь.
- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана — 2021 йил 24 декабрь.
- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар билан банкнинг www.uzpsb.uz корпоратив веб-сайти орқали танишишингиз ёки info@uzpsb.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш интернет орқали электрон овоз бериш хизматидан (http://evote.uz/) фойдаланган ҳолда 2021 йил 30 декабрь соат 10.00 да бошланиб 11.00 да тўхтатилади.
Мурожаат учун телефонлар: 78-120-45-00 IP:13-30; 94-711-13-75.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Зафаржон Жалоловга падари бузруквори
Сайфиддин ЖАЛОЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси жамоаси 1-сон акушерлик ва гинекология кафедраси мудири, профессор
Фарида АЮПОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6